

EXTRAORDINARY COLLECTION OF INTERJECTION

Ra'no Raupovna SAYFULLAYEVA¹
Doctor of Philological Sciences, Professor
of Uzbekistan National University
Po'latshoh Ramazonovich BOBOKALONOV²
Researcher of the Bukhara State University

Abstract

The scientific article presents a detailed approach to the systemic and structural interpretation of simple sentences and phrases, lexical-semantic and functional aspects, indicators of interdependence and the peculiarities of anomalous properties and problems.

Key words: Interjection indicators, phrases, grammatically formed sentences, modal, exclamation, affirmative-negative words, lexical-syntactic units, interjection meanings.

КЕСИМЛИЛИКНИНГ ЎЗГАЧА МУЖАССАМЛАШУВИ

Раъно Рауповна САЙФУЛЛАЕВА¹
Филология фанлари доктори, Ўзбекистон
миллий университети профессори
Пўлотшоҳ Рамазонович БОБОКАЛОНОВ²
Бухоро давлат университети тадқиқотчи-изланувчиси

Аннотация. Илмий мақолада содда гап ва сўз-гапларнинг систем-структур талқини, лексик-семантик ва функционал жиҳатлари, кесимлилик кўрсаткичлари, алоҳида ғайритабиий хусусиятлари ҳамда муаммолари ҳақида атрафлича муносабат билдирилган.

Калит сўзлар: кесимлик кўрсаткичлари, сўз-гаплар, грамматик шаклланган гаплар, модал, ундов, тасдиқ-инкор сўзлар, лексик-синтактик birlikлар, кесимлик маънолари

XX асрнинг охириги ўн йиллигига қадар она тили грамматик тамойиллари бошқа тилдан олинган ҳосилалар асосида ўрганиб келинди. Ўзбек тили синтаксиси кўп йиллар давомида рус тилшунослиги грамматик қурилишлари асосида ривожланди. Табиийки, бу давр ҳам тилшунослигимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Гапнинг икки таркибли бош бўлак бўлиши, яъни ҳукмнинг субъект ва предикат ўртасидаги алоқага асосланиши заминида ўзбек анъанавий грамматикаси яратилди. Мана шу андоза асосида грамматика тамойиллари, хусусиятлари, бошқа категориялар билан муносабатлари жуда мукамал ўрганилди ва алоҳида-алоҳида тадқиқотлар яратилди. Содда гап эга ва кесимнинг қатъий предикативлик тамойилига асосланди. Аммо Фарбий Европа тилларидаги гапларнинг икки таркиблилик шарти рус тилига ҳам зиддиятли муаммо туғдирган эди. Шундан сўнг А.А.Шахматов “бир таркибли гаплар” атамасини илмий муомалага киритиб, муаммони бартараф этди. Фарб тилшунослигидаги икки таркиблилик туркий тиллар синтактик қурилишида зиддиятли фикрларни туғдирди. Чунончи, а) содда гап икки бош бўлак - эга ва кесимнинг бирикишидан ва б) қўшма гап икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг бирикишидан иборат; в) кесим эга ҳақидаги бирор хабарни ифодалайди; фақат-эгага эргашади; эга билан шахс-сонда мослашади; г) содда ва қўшма гапларни аниқлашда эгага таянилади каби [9, 3-88]. Бу мантикий “субъект-предикат” мезонлари дастлаб А.Фулломов томонидан А.А.Шахматов, В.В.Виноградов назариясига асосланган ҳолда ўзбек тили грамматикасига кўчирилди ва бу айрим зиддиятли ҳолларни туғдирди. Масалан, ўзбек тилшунослигида шахссиз ва шахси аниқ гаплар, бир таркибли

гаплар /*Мажлисда гапирилди. Кеча айтдим*/ ҳар хил тасниф қилинди : /*Моҳира индамади ва Шоҳида кетди*/- қўшма гап; /*Моҳира индамади ва кетди*/ – уюшган содда гап. Бу гаплар ўзаро фақат эганинг имплицит ҳолати билан фарқ қилади. Мана шу каби зиддиятли томонларнинг вужудга келгани ҳозирги даврда бошқа тиллардан у ёки бу ҳодиса шаклини олиб, тилимиздаги материалларни унга бўйсундириш эмас, балки бой материалдан келиб чиқиб, таҳлил қилишга ундади [6, 5-10].

Мустақиллик шарофати билан ўзбек анъанавий (формал) тилшуносликдан формал-функционал (субстанциал) тилшунослик ўсиб чиқди. Ўзбек тилидаги содда гап қурилишига янгича ёндашилди, гап мезонлари таҳлили ва унинг кичик қурилиш қолип туркона таҳлилга тортилди. Бу кейинги тадқиқотларда содда гап моҳияти ва унинг лисоний қурилиш қолипи кесимлик кўрсаткичлари билан шакланган атов бирлигида кўрилди. Бундай содда гапларнинг феъл-кесим ва от-кесим асосида морфологик воситалар иштирак этганлиги боис уларга “грамматик шакланган гаплар” [қисқ. ГШГ] тарзида – атов бирлиги кесимлик кўрсаткичлари [АБКк]= [W_{Pm}] лисоний рамз қабул қилинди. Систем-структур тилшунослик назарияси замида [6, 5-10] қатор тадқиқот ишлари [М.Абузалова, М.Саидова, С.Назарова, Ш.Акрамов, Р.Абдуллаева, М.Қурбонова ва ҳ-зо] ва гап синтаксиси билан боғлиқ илмий адабиётлар намоён бўлди [10, 42-47]. Бироқ тилшуносликда [ГШГ] сингари гап парадигмаларига тушмайдиган морфологик кўрсаткичлар билан шакланмаган, предикатив муносабат ифодалаб, предикатив шакл – кесимлик кўрсаткичлари қабул қилмайдиган ва гап бўлаклари билан бирика олмайдиган нутқий ҳосилаларни [W_{Pm}] қолипи тизимига солиб бўлмаслиги равшан кўринди [2, 3-127]. Бундай нутқий ҳосилалар формал тилшуносликда ҳам Аюб Фуломов, Мазлума Асқарова, Ғани Абдурахмонов, Шавкат Раҳматуллаев, Эргаш Шодмонов, Рихсиниса Комилжонова, Бозорбой Ўринбоев, Ҳалима Болтабоева, Саидзода Усмонов, Сано Саидов, Абдурауф Сайфуллаев, Ғани Зикриллаев, шунингдек, А.Ҳазратқулов, С.Маматов ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида (*модал сўзлар, ундовлар* ва *тасдиқ-инкор* формага эга бўлган сўзлар ҳеч қандай морфологик қўшимчаларсиз тугалланган гап бўлиб кела олиши) эътироф этилган эди [7, 1957; 8, 27; 9, 16-38; 11, 13-25; 12, 5-18; 13, 12-18; 14, 5-157]. Систем-структур тилшунослик нуқтаи назаридан [W_{Pm}] қолипига мос бўлмаган ва оралиқ учинчи муаммо босқичида турган [W^P] қолипли сўз-гаплар лексик-семантик, градионимик ва гипо-гиперономик жиҳатдан ўзига хослиги ҳам тадқиқ этилди [2, 3-137]. Шунга кўра [W_{Pm}] ва [W^P] дихотомик зиддиятда:

1. [W_{Pm}] кесимлик кўрсаткичлари билан шакланган гаплар: /*Кел+аман. Кел+асан. Кел+ади. Кел+амиз. Кел+асиз. Кел+ишади.*/ ва 2. [W^P] нутқ қуршовида кесимлик

кўрсаткичлари эмплицит кўринишда шакланган гапларга ажратиб ўрганилди: 1. “– Эртага келасизми? – **Албатта.**” 2. “– Сизга совға олиб келдим. – **Раҳмат.**” 3. “– Мени эслай оласизми? – **Йўқ.**” [W^P] қолипли нутқий ҳосилаларнинг [WPm] дан фарқи: “**Албатта+ман. Албатта+эдинг** ёки **Оҳ+ман. Оҳ+миз. Оҳ+эдик.**” каби кесимлик кўрсаткичи олмайди.

Маълум бўлдики, биринчи [WPm]да гап марказини шакллантирувчи восита атов бирлиги таркибидаги кесимлик кўрсаткичлари ифодасида бўлса, иккинчи [W^P] нинг гаплигини шакллантирувчи восита “*Албатта. Раҳмат, Йўқ*» каби сўзларнинг семантик-структурасида ва уларнинг синтактик қўлланишида мужассамлашган. Шу сабабли кесимлик маънолари сўзнинг луғавий маъносида ўз аксини топгани учун улар алоҳида [W^P] қолипли «Семантик-функционал шакланган сўз-гап» (қисқ. «СФШСГ») тарзида ажратилган. [СФШСГ] = [W^P] рамзининг [ГШГ] = [WPm] дан фарқи шундаки, [ГШГ] да шу атов бирлигини гап сифатида юзага чиқарувчи [Pm] – кесимликнинг морфологик кўрсаткичлари назарда тутилса, [СФШСГ] ларда гап сифатида юзага чиқарувчи кесимлик маънолари шу атов бирлигини ўзида намоён бўлиши назарда тутилди. Бундай гаплар «**семантик-функционал – маъно ва вазифа жиҳатдан шакланган сўз-гаплар**» деб аталди [3, 27]. Натижада, гапларнинг шаклланиш усулига кўра семантикада ва чегараланган синтактик функцияда алоҳида жуфтлик пайдо бўлди: 1. Грамматик шакланган гаплар - [WPm] ва 2. Семантик-функционал шакланган сўз-гаплар - [W^P] мавжудлиги асосланган. [W^P] қурилишли [СФШСГ] ларнинг ички гуруҳлари қуйидаги жадвалдан билиб олиш мумкин:

Т/ р	Маъновий турлари	Модаллар [MNPT]	Тасдиқ- инкорлар [NPTM]	Таклиф- хитоблар [PTMN]	Ундовлар [TMNP]
1	Қўлланиши	М у с т а қ и л Н о м у с т а қ и л			
2	[W ^P] лик даражаси	Соф (<i>модал, тасдиқ-инкор, таклиф-хитоб, ундов</i>) сўз-гаплар (<i>Модал, тасдиқ-инкор, таклиф-хитоб, ундов</i>) сўз-гаплашганлар (<i>Модал, тасдиқ-инкор, таклиф-хитоб, ундов</i>) сўз-гаплашаётганлар (<i>Модал, тасдиқ-инкор, таклиф-хитоб, ундов</i>) сўз-гапсимонлар			
3	Манбаига кўра	Отдан – <i>сўзсиз, шаксиз, эҳтимол, афсус, қуллук, шукур ...</i> Олмошдан – <i>шунақа, шундоқ, қайдам...</i> Сифатдан – <i>тўғри, рост, тузук, дуруст, бемалол ...</i> Равишдан – <i>албатта, шояд, зора ...</i> Феълдан – <i>қаранг-а, қўйсанг(из)-чи, боринг-э, қўйинг-э...</i> Сондан – <i>биринчидан, иккинчидан ...</i> Ундовлардан - <i>оҳ, оҳ, оҳ-эй, эҳ, эҳ-ҳей, оббо, э-ҳа...</i> Ёрдамчи сўзлардан – <i>балким, бинобарин...</i> Тақлид сўзлардан – <i>фишт, пишт, кишт ...</i> Форсий ва арабий бирикмалардан – <i>Алҳамдуллилоҳ, иншооллоҳ,</i>			

		<i>филҳақ, субҳоноллоҳ, ё раббим оллоҳ ...</i>			
4	Маъновий гуруҳлари	Модаллар : гетороген маънолар	1. Тасдиқ 2. Инкор	1. Таклиф-ишора 2. Хитоб-буйруқ	1. Ундаш-чақириш 2. Ҳис-ҳаяжон
5	Луғавий намуналар	<i>Мустақил:</i> Албатта. Эҳтимол. Қайдам. <i>Номустақил:</i> Шекилли	Ҳа. Хўп. Хўш. Бўпти. Майли. Йўқ. Асло. Аксинча.	Ма. Манг. Қани. Пўшт. Кишт. Марш.	А. А-ҳа. Бай-бай. Ура. Олға. Ё худое тавба.

Лисоний тизимнинг, жумладан, лексик тизимнинг нисбий яхлитлиги ва доимий тараққиётда бўлганлиги сабабли бошқа сўз туркумларидан ўтиш жараёни сўз-гапларда кўп учрайди. Мазкур жадвалда, *модаллар, ундовлар, тасдиқ-инкорлар, таклиф-хитоб сўз-гапларнинг* гуруҳ ва гуруҳчалари, ўз навбатида ҳар бир лексик-семантик гуруҳнинг марказий сўзларига маъно ва вазифаси жиҳатдан яқинлиги, даражаси, ҳамда морфологик хусусиятига кўра тўрт ички маъновий гуруҳга: 1) соф [W^P] лексик бирликлар; 2) [W^P]лашган лексик бирликлар; 3) [W^P] лашаётган лексик бирликлар тарзида тизимга солинган. Шунингдек, синтактик сатҳда [W^P] лисоний қурилиш қолипига *соф сўз-гаплар, сўз-гаплашган, сўз-гаплашаётганлар, сўз-гапласимонлар* сифатида даражаланиши кўрсатилган [2, 3-137]. [W^P] лексик бирликлар манбаига кўра турли сўз туркумларидан иерархик тарзда ўсиб чиққан. Шунга кўра модалларнинг маъновий таркиби жуда хилма-хил. Тасдиқ-инкорлар: 1) тасдиқлар ва 2) инкорларга, таклиф-хитоблар: 1) таклиф-ишора, 2) хитоб-буйруқ маъновий гуруҳларга, ундов сўзлар эса: 1) ундаш-чақириш, 2) ҳис-ҳаяжон маъновий қисмларга ажратилган.

Содда гапнинг бўлинишида [W^P] қолипли гаплар ҳам лексика, ҳам синтаксисга бир хил алоқадор. Уларнинг лексикага алоқадорлиги – сўз-гаплар лексик сатҳига мансублигида бўлса, синтаксисга алоқадорлиги уларнинг лексик маъносида кесимлик маънолари мужассам бўлганлигидадир. Шунинг учун ҳам улар ҳеч қандай ёрдамчи воситаларсиз алоҳида гап бўлиб кела олади. Бундан англашиладики, тилшунослик учун муҳим бўлган лингвистик бирликларга системавий ёндашишнинг вужудга келиши ва тобора ривожланиб бораётганлиги, тилнинг барча сатҳ бирликларини ана шу усул билан қайта тадқиқ этиш зарурияти туғилган ва ўзбек тилида сўз-гапларнинг системавий тадқиқига алоҳида эътибор берилган. Уларнинг семантик-функционал типлари, шаклланиш динамикаси ўрганилган. Аниқроғи, тилшуносликда ҳеч бир туркумга киритилмайдиган, алоҳида сўз-гаплар сифатида талқин этиладиган *модал, ундов, тасдиқ-инкор* маъноли сўзлар, гап қурилишида алоҳидалиги билан морфологик шаклланган

гаплардан фарқланадиган нутқий ҳодисалар чегараси ажратилган. Сўз-гапларнинг ўзига хос табиати, унинг хусусиятлари, ўзи билан ёндош ўхшашлик ва фарқият аниқланган. Умуман олганда, лексика ва синтаксис оралиғидаги гетероген ҳодисалар тизим сифатида таҳлил қилинган [2, 3-137].

Систем тилшуносликда морфологик жиҳатдан сўзлар асосан уч туркумга ажратилди. *Биринчи* – мустақил сўз туркумлари, *иккинчи* – ёрдами сўзлар, *учинчиси* – сўз-гаплар. Сўз-гаплар, бу кўпинча морфология, лексикология, семантика ва синтаксис ўртасидаги ҳодисалардир. Сўз-гаплар морфологияда лексика билан синтаксисни боғлаб туради. Синтаксисда алоҳида гап қурилиши сифатида эътироф этилади. Таъкидлаш жоизки, тилшуносликда, айниқса, морфологияда *мустақил*, *ёрдамчи* ва *сўз-гаплар* дейиш янгилик эмас. В.В.Виноградовда *мустақил*, *ёрдамчи* ва *предикатив сўзлар* деган тушунча [3, 79 - 80], Р.Сайфуллаевда эса *учинчи бўлак* вазифасида келиши мумкин бўлган алоҳида сўзлар кўпроқ *кириш сўз*, *кириш гап*, *киритма* вазифасида кела олиши таъкидланган [9, 16-38]. Шу маънода ўзбек грамматикасида ҳам «сўз-гап», «кириш сўз», «кириш гап», «киритма» тарзида берилган. Бундай ҳосилалар моҳиятан морфология ва синтаксис ўртасида коммуникатив нутқий бирлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сўз-гап деб берилиши хато эмас. Демак, лексик сатҳ ва синтактик сатҳни ўрганиш, қоришиқ диффуз ҳодисаларни ўзида акс этган «сўз-гаплар» ҳодисаси систем тилшунослик назариясини ўрганиш жараёнида алоҳида [СФШСГ] тарзида бир тизимга солинди.

[СФШСГ]нинг асосий моҳияти тарқоқ, баъзи бир чегараларни ўзига мужассам этмаган сўз-гапларни тизимга солишга уриниш ва уларга аниқликлар киритишдан иборат бўлди. Маълумки, даставвал, профессор Айюб Ғуломов сўз-гапларни «бўлакларга ажралмайдиган гап»лар сифатида эътироф этган эди [13, 12-18; 14. 5-157]. Ўша даврда синтаксис тараққиёти билан боғлиқ хусусиятлар бошқа тиллардан ўзбек тилшунослигида «сўз-гаплар» термини ҳам байналмилал термин сифатида кириб келди. С. Усмонов шу тизим ичида ундов сўз-гапларни чуқур ўрганган бўлишига қарамай, «бўлакларга ажралмайдиган гаплар» ҳақида очик фикр билдирмади ва уларни гуруҳлаштирмади ҳам. Аммо ундов гапларни «ундаш гап» тарзида беришни маъқуллаган эди [11, 13-25].

[СФШСГ]ларнинг номлаш масаласи. Сўз-гап деган лисоний тушунчанинг тавсифи билан нафақат ўзбек, қирғиз ва рус тилшуносликлари, балки жаҳон тилшунослигининг ҳаммасида ҳам бу масалага у ёки бу тарзда ёндашилган, бу муаммони у ёки бу уринишларда ҳал қилишга ҳаракат қилинган. Ўзбек систем тилшунослик нуқтаи назаридан [СФШСГ]лар Ҳ.Неъматов, Р.Сайфуллаева томонидан ишланган моделда ўрганилган [10, 42-47]. Табиий равишда бу атамалар хусусида кўп баҳслашиш мумкин.

Зотан, атама бир киши томонидан киритилади, аммо осонликча қабул қилинавермайди: **семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар** дан кўра **семантик-функционал гап** деб номлаш янада ихчам. Ёки “**грамматик гаплар**” – “**функционал гаплар**” каби номланиш ҳам осонроқ. Бироқ масаланинг моҳияти ва мақсади ***ойдинлаштириш*** бўлгани учун СФШСГ танланган [2, 137]. Бу билан «**Фалакнинг дастидан дод, Унисига ҳа, Бунисига йўқ**» каби гапларни осонгина тизимга солинган. Зеро, «*соф сўз-гаплар, сўз-гаплашган сўзлар, сўз-гаплашаётган сўзлар, сўз-гапсимон сўзлар*» каби гуруҳланиши бажараётган вазифасига кўра сўз-гап бўлишини кўрсатиб туради. Бундай сўзларнинг нутқий имконияти чекланмаган. Бу сўзлар ёрдамчи сўзлар қаторига кўчганида, бошқа сўз туркумига транспозиция қилинганида мутлақо бошқа мавқени эгаллайди. Худди шунга ўхшаган **Ҳа. Йўқ.** сўзларини транспозиция усулида кесим шаклида ҳам кўриш мумкин. «**Бунисига ҳа, бунисига йўқ**» гаплари грамматик жиҳатдан бирга шаклланган ҳисобланади. “**Унисига ҳа дейди, бунисига йўқ дейди**” каби гаплар транспозицияга ўтиб бўлган, уларнинг **ҳа** ва **йўқ** вазифаси ўзгарган. Шунинг учун бундай сўзлар лексикада лексик категорияни, синтаксисда синтактик категорияни тенг бажариши мумкин. Бу нафақат ўзбек, балки қозоқ, қирғиз ва бошқа туркий тилларда, ҳатто роман-герман тилларида ҳам сўзларнинг конверцияси учрайди.

Илмий таҳлил асосида янги бир ҳодиса аниқланар экан, унинг илмий тушунча сифатида ҳодисанинг маълум бир усул билан номлаш заруриятини сезилади. Кенгайган сўз-гаплар ҳам, «*Бунисига ҳа*», «*Унисига йўқ*», «*Золимлар дастидан дод*» каби [СФШСГ]ларни сўз-гап дейиш ўринсиздек. Зероки, бизнинг онгимизда сўз-гап фақат алоҳида сўз ёки битта лексик birlik билан боғланиб қолган. Шундай гапларни ***кенгайган сўз-гаплар*** деб аташ, эҳтимолки, ўнгайроқдир. Ёки уларни «*сўз-гапли қурилмалар*» деб баҳолаш мумкин. Жумладан, сўз-гапларни «*-лашган*», «*-лашаётган*», «*-симон*»лар деб аташ ҳам нодуруст кўринади. Аммо шу нарсани тушуниш лозимки, бу атамалар илмий-назарий ўлчам бўлиб хизмат қилган, холос [2, 3-137]. Бу оралиқ учинчи ҳодиса барча тилларда бир хил тизимга солинмаган.

[СФШСГ]ларнинг даражаланиши. Соф сўз-гаплар, сўз-гаплашган, сўз-гаплашаётган, сўз-гапсимон ҳодисаларнинг лексик тизимдаги хусусиятлари грамматик шаклланган гаплар хусусиятидан бутунлай фарқ қилади. Шу жиҳати билан сўз-гап синтактик сатҳда, [СФШСГ] сифатида олинган. [СФШСГ] синтактик қуршовда сўз-гаплашган, сўз-гаплашаётган, сўз-гапсимон тарзида намоён бўлиши лексик birlikлар таркибининг кенгайиб келишига асосланган. Бундай гаплар “соф”лардан “-симон”ларгача иерархик даражаланиши ва даврий ўзгариш натижасида лексик birlikлар мажмуасини

ташкил этиши таъкидланган. Сўз-гаплар, яъни [СФШСГ]лар лексикада лексик бирлик, синтаксисда гап ҳисобланади. Морфологияда номланиши бир озгина ғайриоддий, аммо бу терминни шу тарзда берилиши ўрганиш ва билиш учун ўнғайроқдир. Бундай лексик бирликларнинг гап бўла олиш қобилияти ўсувчанлик характериға эға бўлиб, юқори нутқий “амплитуда”ни¹ ташкил этади. Аксинча, мустақил сўз туркумлари бу қобилиятдан маҳрум бўлиб, морфологик кўрсатгичсиз гап бўлиши мумкин эмас. [СФШСГ]лар таркибидаги *тасдиқ-инкор* лексемаларнинг тасдиқ маъносининг даражаланишиға мисол: 1) **Ҳа** - соф тасдиқ-сўз, 2) **Майли** - тасдиқлашган-сўз, 3) **Тўғри** - тасдиқлашаётган-сўз, 4) **Худди шундай, Жуда саз** - тасдиқсимон-сўз. Энди инкор сўз-гапларға мисол: 1) **Йўқ** - соф инкор, 2) **Асло. Аксинча** - инкорлашган, 3) **Тамом** - инкорлашаётган, 4) **Шартмас** - инкорсимон.

[СФШСГ]лашиш иерархик ҳодисаси. Диалектик қонуниятға асосан тарихий тараққиётнинг даражаланиши универсалдир. Бу табиий ҳолат ижтимоий ҳодисаларға ҳам хосдир. Шунға асосан, сўз-гаплашиш ҳодисасининг даражаланиши «*соф, -лашган, -лашаётган, -симон*»лар тарзида кўрсатилган [2, 127]. Масалан, биологияда боланинг она қорнидан бошлаб, одамсимонлиқдан одам даражасиға кўтарилиши диалектик қонуният ва градацион иерархия (ўсувчан даражаланиш) тамойилиға хосдир. Шунинг учун сўз-гаплар ва эмоционал сўз-гаплар орасидаги фарқлар қатъий меъёрлар билан белгиланиши мумкин эмас. Чунки эмоционал сўз-гаплар соф нутқийдир. Яна бир мисол. Риёзиёт олими Ал-Хоразмийда ажойиб иерархик тенглама мавжуд: “Агар инсон **яхши хулқ** соҳиби бўлса, у 1 га тенг. Агар инсон **хусн соҳиби** бўлса, бирнинг ёниға нолни қўш = 10 бўлади. Агар инсон **бой** бўлса, яна бир нолни қўш = 100 бўлади. Агар **насл-насабли** бўлса, яна бир нолни қўш = 1000 бўлади. Агар 1 рақами, яъни **хулқи йўқ** бўлиб кетса, инсоннинг қиймати йўққа чиқиб, нолларнинг ўзи қолади = 000” деган экан.” Бундан хулоса шуки, инсон “*хулқ соҳиби, хусн соҳиби, насл-насабли, бой, хулқи йўқ*” иерархик даражаларига кўтарилиб тушиши сингари [СФШСГ] ҳам маятник амплитудасиға ўхшаб тебраниб туради. Буни оддий ифода билан “нутқий тебраниш” деб баҳолаш мумкин. Шу жиҳатдан [СФШСГ]лар Э. Шодмоновнинг «Сўз-гаплар» сифатида олинган тадқиқотдан таркибий жиҳатдан фарқ қилади [12, 5-18]. Ҳақиқатдан ҳам, сўз-гаплар деб олинган лексик-синтактик категория анъанавий *модаллар, ундовлар* ва *сўз-гап* деб қараладиган *тасдиқ-*

¹ Қаранг: Amplitudo (lot. amplitudo – kattalik, miqdor) – muayyan qonunga muvofiq tebranayotgan kattalikning nol qiymatidan eng katta og'ishi. Masalan, mayatnikning muvozanat holatdan og'ishi, o'zgaruvchan elektr tokida tok kuchi va elektr kuchlanishi qiymatlarining og'ishi va hokazo. Boshqacha aytganda, Amplituda, tebranish qulochini ifodalaydi. Tebranayotgan kattalik yarim tebranish davrida bir marta eng yuqori qiymatga erishadi. Garmonik tebranishlarda amplituda o'zgarmaydi: u doimiy bir xil qiymatga ega bo'ladi.

инкор ва одатда *кириш сўзлар* деб номланадиган лексик-синтактик бирликларни ўз ичига олади.

Ўзбек тилшунослигида сўз-гапларнинг таркиби, чегараси, унинг интеграл лексик-синтактик белгилари, алоҳида-алоҳида лексик гуруҳга мансублиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, [СФШСГ] лингвистик тушунчаси билан «ГШГ» тушунчасини қиёслаб, гапнинг шакллантирувчи воситалар морфологик кўрсаткич сифатида [W_{Pm}] таркибидаги [m] – маркерда ифодаланиши изоҳланади. Сўз-гап бўлмаган, яъни *от, сифат, сон, равиш, олмош* каби мустақил сўзларда кесимлик вазифалари морфологик белги [P_m] – кесимлик кўрсаткичлари билан киритилса, таъкидланганидек, [СФШСГ]ларда эса бундай синтактик вазифа уларнинг семантик структурасида ғайриоддий мужассамланган бўлади. Сўз-гапларни ўтган асрда қўйилган вазифа ва талаблар билан ҳозирги вазифаларни қиёслаб тенглаштириш фанга нисбатан ҳақсизликдир. Албатта, “кесими морфологик шаклланган гаплар” билан “кесими морфологик шаклланмаган гаплар”нинг дихотомик зиддиятга қўйилиши бир жиҳати билан яхши, лекин бунда гап морфологик шаклланмаган бўлса, у қандай асосланади, деган сўроққа жавоб бериш шарт. Бу саволга [СФШСГ] атамаси орқали жавоб берилди.

[СФШСГ] ларда лексик ва синтактик тарз. [СФШСГ]ларда лексик тарз билан синтактик тарз тенглаштириб қўйилади. [СФШСГ] шундай сўзларки, улар фақат гап маркази, кесим вазифасида келади. Яъни лексика ва синтаксисга бирлашади. Шунинг учун бу ҳодисалар лексика ва синтаксисда «оралиқ учинчи» – лексик-семантик ва синтактик ҳодисалар тўқнашуви деб боҳоланади. Мана шу омил [СФШСГ]ларни бир гуруҳга бирлаштиради, улар ҳосил қиладиган синтактик қурилмани алоҳида олиш сифатида ажратиш имкониятини беради. [СФШСГ]ларнинг содда гап таркибида ўзи иштирок этган гапни мураккаблаштириши, мустақил ва номустақил қулланилиши, қўшма гап таркиби билан алоқаси каби назарий фикрлар ва масалалар ҳали ўзбек тилшунослигида жиддий ўрганилмаган. Баъзи ўринларда [СФШСГ]ларнинг лексик-семантик сатҳдаги сўз-гапсимон қуршов ва кўринишлари эътироз туғдиради. Чунончи, «Қадамларига ҳасанот!», «Хуш келибсиз!» каби сўз қўшилмаларидан ташкил топган – «бўлақларга бўлинмас» бутунликларни сўз-гапларга қандай алоқаси бор, деган масала ҳали қиёмига етмай қолган.

[СФШСГ] ларда синтактик қуршов ва синтаксик категория. Мустақил сўз туркумларига кесимлик кўрсаткичлари илова қачонки қилинсагина [ГШГ] ҳосил бўлади. Масалан, *кел+ди, кел+а+ди, кел+моқчи* каби. Ёрдамчи сўз туркумлари эса синтактик вазифа бажаришга хизмат қиладиган воситалар ҳисобланади. Лекин сўз-гаплар гап бўла

олиш қобилиятига эгадир. Агар «**Эҳтимол, бугун ёмғир ёғар**» деган гапнинг таркибидаги **Эҳтимол**ни таҳлил қиладиган бўлсак, битта гапнинг таркибида икки хил кўриниш учрайди: / - **Бугун ёмғир ёғар** – **Эҳтимол**./ Чунончи, «**Албатта келаман**» ва «**Албатта, келаман**» да ҳам икки хиллик бор. Биттаси гап таркибида, иккинчиси алоҳида синтактик қуршовда: /–**Эртага келасизми? –Албатта**./ Чунки «**Албатта, келаман**»да **Албатта** – алоҳида битта гап, **келаман** – иккинчи гап. Бунда модал сўз вергул билан ажратиладими, ажратилмайдими, ёки орасида нуқта қўйиладими, нуқта қўйилмайдими, бу аҳамиятсиз. Чунки нутқий ҳодисани тиниш белгилари билан фақат ёзма нутқда чегаралаб қўйиш мумкин. Жонли нутқ диапозонини сўзловчининг ўзи фикр ўлчамлари билан чегаралайди (масалан, *Ўзбекистон ватаним маним* каби). Шундан қатъий назар бу қуршовда **Албатта** – сўз-гап. «**Фалончи, албатта, келади**» да **албатта** дан кейин вергул қўйилиши тўғри эмас. «Фалон жойга борасанми?» «Албатта бораман» бўлса, вергул қўйилмаса, демак бу ерда сўз-гап ишлатилмаган, балки феълда модалликни ифодалаш учун хизмат қилган. Агарда «**Албатта, бораман**» бўлса эди, бунда иккита гап, вергул ёки нуқта қўйиш ҳам мумкин. «**Қад амларига ҳасанот**», «**Хуш келибсиз**» каби гаплар сўз-гапсимонлар тоифасига хос деб ҳисобланади. Чунки баъзи сўзлар ўзининг луғавий маъноси ёхуд баъзи гаплар ўзининг гаплик функциясини ҳам йўқотиб боради [5, 232]. СФШСГларнинг ГШГлар таркибидаги ўрни ҳам алоҳида тадқиқ қилишни талаб этади.

[СФШСГ]лар таснифидаги «маъновий номустақиллик». Маълумки, лексик сатҳ бирликлари икки катта гуруҳга бўлинади: мустақил сўз ва ёрдамчи сўз. Улар орасидаги зидланишни «маъновий ва вазифавий номустақиллик» ташкил этади. Бу зиддият белгисига кўра ёрдамчи сўз белгили, мустақил сўз эса белгисиз аъзо мавқеъини эгаллайди. Ёрдамчи сўз ҳеч қачон мустақил қўлланмайди, боғлиқ қуршовдагина кела олади. Мустақил сўз эса мустақил қўлланилиш ва маъно ифодалаш қобилиятига эга. [СФШСГ] ларнинг алоҳида хусусияти лексик сатҳдан фарқли ўлароқ модал сўзлардан ташқари уларнинг синтактик қуршовдаги ўрнига боғлиқдир. Бу тизимнинг лексик сатҳида фақат модалларда маъновий мустақил ва номустақиллик учрайди. Чунончи, 1) гумондан қатъийликкача гетероген маънолар таркибида: **Албатта** – тўла мустақил, қатъийлик; **Қайдам, Эҳтимол** - нотўлиқ мустақил, гумон; **Шекилли** каби сўз-гаплар тобе номустақил, гумон маъноларига эгадир. Аммо 2) Тасдиқ ва инкор гуруҳлари таркибида *Ҳа Хўп, Хўш. Бўпти. Майли. Йўқ. Асло.* 3) Таклиф-ишора ва хитоб-буйруқ: *Ма. Манг. Қани. Пўшт ! Кишт ! Марш ;* 4) Ундаш-чақириш ва ҳис-яяжон: *А. А-ҳа. Бай-бай. Урра. Олға. Ё худоё тавба!* кабилар тўлиқ мустақил ҳисобланади. Бу гуруҳда нотўлиқ мустақил ва тобе

номустақил сўз-гаплар жуда кам учрайди. [СФШСГ] ларда зиддиятда турган барча «Лексемаларнинг маъновий таснифида илк босқич белгиси «маъновий мустақиллик» эмас, «маъновий номустақиллик» бўлишининг сабаби – мустақил лексеманинг бу белгига нисбатан бетарафлиги. ... Мустақил сўзда «маъновий мустақиллик» белгиси шартли»дир [10, 34].

Кенгайган [СФШСГ]лар. Ўзбек тилидаги йиғиқ гаплар формал ёндашувда Фарб тиллари қолиплари асосида, субстанциал ёндашувда эса гапнинг энг кичик қурилиш қолипига таянади [10, 462]. Маълумки, аксарият тилларда мустақил сўз туркуми кесим бўлиши учун предикатив шахс-сон кўрсаткичини қабул қилади. [СФШСГ]лар эса кесимлиликнинг хусусиятларини эмплит тарзда ўзида мужассам этади. Масалан, француз тилида феъллар эгасиз предикативлик кўрсаткичига эга бўла олмайди: феълдаги предикатив кўрсаткичлар эга билан мослашади : / *Je suis professeur.* – Мен ўқитувчиман./ Предикативлик мақомида ҳар қандай мустақил сўз ёрдамчи “*être* бўлмоқ” феъли билан от-кесим бўла олади. Бироқ, француз тилшунослигида [СФШСГ] га хос ҳодисалар йўқ эмас. Улар “каноник модели” (modèle canonique) термини билан изоҳланади. Бу ҳолатни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин: 1. *Je vais bien.* – Мен яхши юрибман. 2. *Comment allez-vous ?* – Қандай юрибсиз? (Қандоқсиз? Соф-саломатмисиз?) — *Merci. Ça va.* — Раҳмат. Яхши. Равшанки, *Je vais bien.* – Мен яхши юрибман. – [ГШГ]-[W^P], ёйиқ содда гап. Қолган барча нутқий ҳосилалар [СФШСГ]-[W^P]ларга тегишлидир. Биринчи гапда кесимдаги [W], [P^m] хусусияти ва уларнинг ўзаро муносабати француз тилида қатъий, аммо ўзбек тилида *Мен яхши юрибман* ўрнида *Мен яхши. Яхши юрибман.* Эга ва кесимни туширган ҳолда – “Яхши.”ни қолдириш мумкин.

[СФШСГ] ҳам эгасиз гапнинг алоҳида кўриниши: 1. – *Бугун бормоқчимисан?* – *Ҳа.* 2. – *У ҳам бормоқчимми?* – *Йўқ.* 3. – *Китобни оласанми?* – *Бўлмасамчи.* 4. Насридин халтани улоқтириб юборди: *Ма! Сен тўй!* («Афанди латифалари»дан). 5. *Салом,* – деди кўриши билан ҳамма бирдан. Қўллар ўтди биқинларнинг орасидан. (Ф.Фул.)

[СФШСГ]лар кенгайиши ёки уюшиқ бўлақлар билан келиши мумкин: 1. Ҳорманг. Ҳорманглар. Ҳормангизлар! 2. Баракалла. Баракалла сизга. Ҳей баракалла. Баракалла сизга эй. Э баракалла сизга йе. 3. Офарин. Сизга офарин. Офарин сизларга. Минг офарин. 4. Олға! Ватан учун олға! Она-юртимиз учун, халқимиз учун муқаддас тупроқ учун олға.

Баъзи функционал ҳолатларда ундов сўз-гап билан бинар позицияда алоҳида сўз-гапнинг компоненти бўлиши мумкин. Масалан: “Она Ватан учун олға!” конструктив гап [СФШСГ]нинг кенгайган [W^p]-лашган сўз-гап туркумига мансуб бўлса, “Олға, Она Ватан учун!” – икки ярусли бинар позицияга бўлинган сўз-гап ҳисобланади ва бу синтактик

куршовнинг ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатлари ҳақида алоҳида тўхталамиз

Хулоса қилиб айтганда, сўз-гапларнинг тизимий таҳлили синтаксис учун бўшлиқ бўлиб турган Аюб Ғуломовнинг “Содда гап”, Э. Шодмоновнинг “Сўз-гаплар”, С. Усмоновнинг “Ундов-гаплар” назариясининг айрим жиҳатларини тўлдирди. Э. Шодмоновнинг ишларидан фарқли жиҳати сўз-гапларнинг атрофида тизимга солинган ва сўз-гапларда кесимлилик кўрсаткичлари лексеманинг луғавий маъносида, яъни семантик-функционал жиҳатдан сингдирилган кесимлик маъноларидан иборат эканлиги ойдинлаштирилди [5, 232]. Албатта, бу узлуксиз занжирда яна бошқа турдаги оралиқ ҳодисалар бўлиши ва уни мукаммаллаштириш, занжирнинг ўнлаб бўғинларни ажратиш мумкин. Шундай қилиб, ўрганилган ва ўрганилаётган масаланинг ўзи энгил ҳамда осон эмас. Бу масала ҳали жуда кўп изланишларга сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, битта тадқиқотда бундай масалани тўлиқ ҳал қилиш жуда қийин. Аммо ўзбек систем тилшунослиги синтаксиснинг систем-назарий таълимотида романистика, германистика, славянистика ютуқларидан фойдаланиб тараққий топиши равшан кўринмоқда. Шу ўринда профессор-устоз Низомиддин Маҳмудовнинг стенограммага тушган хулосаси эҳтибор бердик: «Мен кўп эслаيمان, талабаликда диплом ишимни академик Азиз Пўлатопич Қаюмовга келтириб берганимда, ишимда бўлган ғализ фикримни кўриб, менга танбеҳ берган эдилар. ... Алишер Навоий туркий тилда юзта феъл келтирадилар-да ва ўша *йиғлаш* билан боғлиқ бўлган *синграмоқ*, *ўқирмоқ*, *инграмоқ* каби тўртта феълларнинг таҳлил изоҳини кўрсатадилар. Мен ишимда Алишер Навоий буларни бироз нотўғри изоҳлаган, деган фикрни айтган эдим. Буни кўрган устоз: «Бу фикрни айтиш учун, аввало, Навоий замонасида яшаб кўришинг керак» деган эдилар. Бу 1973-74 йилларда бўлиб ўтган жонли воқеа эди. ... У киши яна айтган эдиларки, «Навоийга баҳо бериш учун Навоий давридан келиб чиқиш керак.» Ҳар ҳолда бу ҳам шижоат натижасидир».

References

1. Болтабоева Ҳ. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гаплар. Тошкент: Фан, 1967, -170-175 б.
2. Bobokalonov R. O'zbek tilida gap sintaksisi va so'z-gaplarning sistem-struktur talqini: monografiya. –Т.: Fan, 2006, 3-127 б.
3. Виноградов В. Грамматика русского языка, II том, часть 2. Москва, 1952. с. 79 - 80.
4. Камилдъжанова Р. Модальные слова в современном узбекском языке. АДК. Тошкент, 1975 -9-22 б.

5. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995 -232 б.
6. Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И., Махмудов Н.М., Мухаммедова Д.А., Нурмонов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков/ Тезисы формально-функционального исследования// Сов. тюрк. 1984, №5 -5-10 б.
7. Раҳматуллаев Ш. Модал сўзлар. Тошкент: Фан., 1957.
8. Саидов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида модал сезларнинг классификацияси масаласига доир//ЎТА, 1963,№ 6 27 б.
9. Сайфуллаева Р. Уюшган гаплар. ЎЗМУ –Тошкент. – 2019 3-88 б.
10. Sayfullayeva R.R., Mengliyev B.R., Qurbonova M.M., Raupova L.R., Abuzalova M.Q., Yo'ldosheva D.N. HOZIRGI O'ZBEK TILI, darslik, TOSHKENT – O`ZMU, 2020 3-549 б.
11. Усмонов С. Ундов-гаплар. Тошкент: Фан, 1955 3-25 б.
12. Шодмонов Э. Слова предложения в современном узбекском языке. НДА, Тошкент, 1970 -5-18 б.
13. Фуломов А. Содда гап. Тошкент: Фан, 1955, -12-18 б.
14. Фуломов А. Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис Тошкент: Ўқитувчи, 1987. 5-29; 37-42; 154-157 б.
15. Фуломов А. Ўзбек тили грамматикаси. –Т., Маориф нашриёти,1940. –Б.84.